

## Бақара сураси, 149-оят

08:40 / 16.12.2017 3734

**Қаердан чиқсанг ҳам юзингни Масжидул Ҳаром томон бур. Ва албатта, бу Роббингдан бўлган ҳақдир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ғофил эмасдир. Бақара 149.**

Ва Аллоҳ сиз қилаётган амаллардан ғофил эмасдир. Аввал ҳам шу амр келган эди. Аммо бу сафар аҳли китобларни аралаштирмасдан, Набий алайҳиссаломнинг ўзларига хос амр бўлмоқда. Ва бу Аллоҳ таоло томонидан бўлган ҳақ экани, Аллоҳ таоло ҳамма ишдан хабардорлиги яна бир бор таъкидланмоқда.